



2016 йил «12» июли

№ 533-ч

Ер участкаси ажратиш ва  
қурилишга рухсат бериш  
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 25 майдаги №146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 30 июндаги №897-сонли экологик экспертиза хулосасига асосан Нуробод шаҳри Наврўз маҳалласи Мустақиллик кўчаси худудидан туман санитария-эпидемиология назорат марказининг маъмурий биносини қуриб атрофида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган туман санитария-эпидемиология назорат марказининг 2016 йил 2 июлдаги №01/277-сонли хатини ҳамда туман хокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 30 июндаги далолатномаси ва тўпланган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларини кўриб чиқиб,

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Нуробод шаҳри Наврўз маҳалласи Мустақиллик кўчаси худудидан туман санитария-эпидемиология назорат марказининг маъмурий биносини қуриб атрофида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун 0,45 гектар ер майдони ажратилсин ҳамда ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 30 июндаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Туман санитария-эпидемиология назорат марказига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида. АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха хужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга руҳсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга руҳсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га туман санитария-эпидемиология назорат маркази томонида тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУКнинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Туман санитария-эпидемиология назорат маркази томонидан бир йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов